

Special Issue on "Innovative Economy: Challenges, Analysis and Prospects for Development"  
Published in Aug-2021

## The Contribution of Diversification of Agricultural Production to Achieving Sustainable Development Goals

Saydullaeva Fotima Jozilovna

**Аннотация.** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришида иштирок этадиган кичик хўжаликлар учун рисклардан қочишида ва даромадларини оширишда энг самарали ва кам харажат талаб қиласидиган усулдир. Мақолада ўрганилган адабиётлар асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни диверсификациялаш барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга кўмаклашиши ва ижобий таъсир қилишини баҳоланганд. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни диверсификациялаш турли мамлакат ва ҳудудлар бўйлаб имкониятлар, муҳит ва хусусиятларга эга эканлиги уларни амалга оширишда кўпроқ тадқиқотлар ва таклифларни ишлаб чиқиши зарурати асосланган.

**Калит сўзлар:** диверсификация, барқарор ривожланиш мақсадлари, камбагаллик, озиқ-овқат хавсизлиги, гендер тенглик, иқлим ўзгаришлари.

Basic doctoral student at the - Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

**Кириш.** Бугунги кунда дунё аҳолисига етарлича озиқ-овқат мавжуд-лигига қарамасдан, тўйиб овқатланмасликнинг тарқалиши мавжуд. Бунга асосий сабаб озиқ-овқатни сотиб олиш қобилиятигининг камлиги ҳисоб-ланади. Жаҳонда камбағал аҳолининг 80 фоизи қишлоқларда яшайди, уларнинг асосий даромадлари қишлоқ хўжалик фаолиятидан олинади (ФАО 2015). Бу каби муаммони камайтириш мақсадида БМТ га аъзо мамлакатлари томонидан барқарор ривожланишнинг 17 та мақсадлари белги-лаб олинди. Ушбу мақсадлар дунёда қашшоқликка барҳам бериш, табиат-ни муҳофаза қилиш, барчани яшаш истиқболларини яхшилашга қаратил-ган 2030 йилгача белгиланган режалар мажмуудир. Аммо кутилмаган хавфлардан бири бўлган COVID-19 пандемияси мақсадларга эришишдаги энг катта тўсиқ бўлди. Натижада жаҳон банки маълумотларига кўра ўта қашшоқлар сони 88 млндан 115 млнгacha кўпайиши, 2021 йилгача 150 млнга этиши тахмин қилинган (World bank, 2020). Кўпгина ривожланаёт-ган мамлакатлarda камбағалликни қисқартиришнинг муҳим омили сифати-да қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўлиб ҳисобланади.

**Методология.** Ушбу мақола ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини диверсификациялашнинг қамбағалликни қисқартиришга тадбиқи бўйича ёзилган мақолаларни ўрганиш ва таҳлил қилишга қаратилган. Бу мавзудаги инглиз тилида ёзилган илмий мақола-лар, диссертациялар Google scholar платформасидан Scopus, Web of Science базасига кирган журнallардан танлаб олинди. Шунингдек, мамлакати-мизда қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар ишлаб чиқаришни диверсификациялаш бўйича амалга оширилган ишлар асосий қишлоқ хўжалик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари кичик хўжаликлар (Деҳқон ва томорқа хўжаликлари) фаолиятидаги ўзгаришлар ва аҳоли озиқ-овқат хавфсизлигини қўллаб-куватловчи хукукий хужжатлар хронологияси келтириб ўтилган.

**Олинган натижалар ва таҳлилар.** Ўрганилган мақолаларни таққос-лама таҳлил қилиш натижасида диверсификациялашнинг қуидаги шакл-ларда бўлиши илгари сурилган:



расм. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини диверсификациялашнинг шакллари.

1-расмдан келиб чиқсан ҳолда, дәхқон хўжаликлари учун диверси-фикациялашнинг баъзи турлари бир даврда ҳамда ер ресурси ҳажми ўзгармаган ҳолда амалга оширишни имкони бўлса, баъзиларида уни бир даврда амалга ошириб бўлмаслигини кўрсатади (м: алмашлаб экиш). Дехқон хўжаликларида ер ресурлари чекланганлиги ва ҳажмининг кичик-лиги туфайли уларда диверсификацияни қўллаш қийинчиликларга олиб келади. Шундай бўлишига қарамасдан диверсификациялаш барқарор ривожланиш мақсадларининг даромадлар, озиқ-овқат хавфсизлиги, гендер тенглик, иқлим ўзгаришларига қарши курашиш ва мослашиш каби турли йўналишлари бўйича таъсирлари адабиётларда куйидагича ёритилган:


**1. Даромадлар.** Ҳиндистон бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида анъанавий дон экинларидан юқори қийматли мева-сабзавот етиширишга ўтиш кичик хўжаликлар даромадларини кўпайтиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини, дон маҳсулотлари етишириш ўрнига боғдорчилик экинларини экиш улар даромадларини етти мартагача ошишига олиб келган (Birthal et al 2007,2013). Шунингдек, Ўзбекистонда ҳам олиб борилган тадқиқотлар натижасида донли экинлар ўрнига сабза-вотчилик (картошка экиш) хўжаликлар даромадини ошириши қузатилган (I. Bobojonov et al 2013).

**2. Озиқ-овқат хавфсизлиги.** Ўрганилган адабиётларнинг кўпчилиги озиқ-овқат хавфсизлиги нуқтаи-назаридан кенгроқ ўрганилган бўлиб, (Takeshima H et al.2019,2020) умумий олганда Тожикистон мисолида қишлоқ ҳудудларда диверсификация қилиш хўжаликлар овқатланишини яхшилашга хизмат қилиши (Conrad M et al 2018) олган натижалардан оила хўжалиги ва аёллар овқатланишида ижобий муҳим аҳамиятга эга эканли-тини кўрсатган. Зимбабве мисолида чорвачилик ва дәхқончиликда кўшимича бир маҳсулотни етишириш улар овқатланиш хилма хиллигини 4-5 фоизга оширишни эконометрик таҳлиллар орқали аниқлашган (Oliver Ecker 2019). Гана давлатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни диверсификациялаш уларнинг овқатланиш хилма хиллигини оширишга хизмат қилишини индивидуал даражада ўрганилган. Шунингдек, Ўзбекистонда маккажӯҳори етиширишни чорва молларини озуқа билан таъминлаш ва атроф муҳитни муҳофаза қилишда аънанавий пахта-ғаллани алмашлаб экиш ўрнига дуккакли дон экинларини (Мош) алмашлаб экишни кучайтириш озиқ-овқат хавфсизлигини яхшилашга тўғридан-тўғри ва билвосита таъсир кўрсатиши таҳлил қилинган (I. Bobojonov et al 2013; A Эргашев 2017; M. Ali & Dr. Abedullah, 2002) хўжаликларда мева ва сабза-вотларни етиширилиши болалар овқатланиш хилма-хиллигини ошири-шини исботланган. Дунёнинг турли мамлакатларида диверсификациялаш бўйича амалга оширилган лойихалар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ижобий таъсир кўрсатилган (Feliciano D. A 2018).

**3. Гендер тенглик.** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини дивер-сификацияси гендер тенглик бўйича чоп этилган адабиётлар жуда кам бўлиб Conrad (2018), Snapp va Fisher (2015)лар кўпроқ озиқ-овқат хавфсизлигига эътибор қаратган, яъни Малави, Зимбабве, Танзания, Буркина фасо, Кения каби Африка мамлакатларидағи аёл дехқонларнинг юқори қийматли қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини ва чорва-чилик маҳсулотларини етишириши уларнинг овқатланиш сифатига ижобий таъсир кўрсатилган. Янги технологиялардан фойдаланиш ва диверси-фикацияни қўллаш Эфиопияда аёл ишчи кучига бўлган талабни кўпайтири-ганлигини натижада аёллар овқат пишириш ва бола тарбиясига салбий таъсирини бўлганлигини исботланган (Teclewold et al. 2013). Maertens

and Swinnen (2009) лар Сенегалда юқори қийматли маҳсулотлар етиштиришга ўтишда қишлоқ худудларда яшовчи аёллар учун иш жойларини кўпайтири-ганлиги ва иш ҳақининг кўтаришланлигини, қайта ишлаш саноатида қатна-шишга имкониятлар яратилганлиги билан гендер тенгсизликни камайтири-ганлигини аниглашган.

**4. Иқлим ўзгаришларишларининг салбий таъсири.** Бугунги кунда иқлим ўзгаришлари кўп дехқонлар учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда қийинчиликлар туғдирмоқда. Иқлим ўзгаришларининг сал-бий таъсиrlарини камайтиришда энг рационал ва тежамкор усусларидан бири қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни диверсифи-кациялашдир (Lin. B 2012). Айниқса бир турдаги экинларнинг турли навларини экиш, чорвачиликни диверсификациялаш иқлим ҳодисаларига чидамлироқ бўлишини айтишган (I. Bobojonov et al 2013) Албатта юқори-даги фикрлардан қишлоқ хўжалигига маҳсулотлар ишлаб чиқаришни диверсификациялаш маълум даражада ижобий таъсир қилиши келти-рилган. Шу билан бир қаторда қишлоқ худудларда кичик дехқон хўжа-ликлари учун диверсификацияни амалга оширишга ҳам бир қанча омиллар таъсир қиласди. Буларга мисол қилиб Бозор ва йўл-транспорт хизматлари, ер майдониниг ўлчами, сув ресурслари билан таъминланганлик, олиб борилаётган сиёсаларни олишимиз мумкин(Feliciano D. A.2018).



## 2-расм. Диверсификацияга таъсир этувчи омиллар ва диверсификация натижалари

Юқоридагилардан келиб чиқиб мамлакатимизда ҳам қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини етиштирувчи кичик дехқон ва томорқа ер эгалари бўйича мамлакатимизда турли қонун ва қарорлар ишлаб чиқилган ва уларнинг барчаси озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъмин-лашга, даромадларни оширишга шунингдек инновацион технологияларни қўллаб табиий ресурсларни тежашга қаратилгандир(1-жадвал).

**1-жадвал.**

**Ўзбекистонда дехқон ва томорқа ер эгаларини давлат томонидан қўллаб  
кувватловчи ва аҳоли озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга доир ҳуқуқий  
хужжатлар хронологияси**

<b>№</b>	<b>Хужжатнинг номи қабул қилинган санаси ва рақами</b>	<b>Асосий мазмуни</b>
1	ЎзРҚ-680-сон 01.04.2021	Дехқон хўжаликлари ва бошқа катта хўжаликлар ўртасида ижара муноса-батлари шакллантирилган, ер участкаларидан фойдаланиш шартлари, давлат томонидан қўллаб кувватлаш механизmlари ва назоратлари белгилаб берилган.
2	ЎзР ПҚ-4887-сон 10.11.2020	Пандемия шароитида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва касалликнинг оғир ўтиши кабиларни олдини олиш мақсадида 6-23 ойликкача бўлган болалар овқатларига турли микронутриентлар 5 ёшгача бўлган болалар учун эса Витамин А билан бойитиш орқали шунингдек жойларда экспериментлар ўткази ва соғлом овқатланишини кенг оммавий ахборот тармоқларида кўрсатиш каби вазифалар белгиланган
3	ЎзР ПФ-5853-сон 23.10.2019	Ушбу фармонда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш бўйича 10 йиллик стратегия тасдиқланган ва унинг асосий йўналишларидан бири аҳоли озиқ-овқат хавфсизлини таъминлаш хисобланади. Амалга ошириш учун ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари нархларини давлат томонидан тартибга солишдан босқичма-босқич воз кечиш, соғлом истеъмол маданиятини тарғиб қилиш бўйича узоқ муддатли дастур ишлаб чиқиш; чорвачиликда маҳсулдорликни ошириш, балиқ ва парранда гўшти, шунингдек, сут ишлаб чиқаришни барқарор интенсивлаштиришга қаратилган тадқиқот ишларини олиб бориш каби вазифалар кўйилган.
4	ЎзР ПҚ-4821 09.09.2020	Аҳолини сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш, мева-сабзавот, гўшт-сут ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан уларни қайта ишловчи корхоналар фаолиятини интеграллаштириш ички ва ташқи бозорларга миллий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ва диверсификациялашни қўллаб кувватлаш.
5	ЎзР ПҚ-4803-сон 11.08.2020	Лойиха иштирокчиларига (бенефициарлар) 35 млн АҚШ доллари йўналтирилиши белгиланган. Лойихаларнинг асосий йўналишлари: илмий тадқиқот институтлари, таълим муассалари, маслаҳат марказлари хизматларининг ишлаб чиқариш билан интеграциялашган самарали тизимини яратиш; озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда «Даладан истеъмолгача» тамойили асосида сифат назоратини кучайтириш, агрологистика, йўл ва бошқа зарур

		инфратузилмани яратиш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини диверсификациялаш, соҳада давлат иштирокини камайтириш, кооперация тизимини ривожлантириш.
6	ЎзР ПҚ-4767 30.06.2020	Ушбу қарорда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишда Томорқа хизмати МЧЖ лари фаолиятини ривожлантириш мақсадида давлат томонидан ва Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-куватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан турли имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилган.
7	ЎзР ПҚ-4716-сон 18.05.2020	Аҳоли даромадларини ошириш ва томорқа ер эгаларини қўллаб қувватлаш мақсадида томорқада енгил конструкцияли иссиқхоналар, суғориш воситалари харид қилиш, уруғ ва кўчатлар сотиб олишлари учун инкирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан субсидиялар ажратилиши белгиланган.
8	ЎзР ПҚ-4643 18.03.2020	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасида Бош вазирнинг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари лавозими жорий этилди ва унинг асосий вазифаларидан бири озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини ва истеъмол рационини яхшилаш, талаб этиладиган миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни таъминлаш ва бошқалардир.
9	ЎзР ВМҚ-324-сон 17.04.2019	Ушбу қарор дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш учун ҳар бир вилоят ва туманларда 2019 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экиш бўйича прогноз келтирилган. Республикада 2018 йилда 6 фоиз дехқон ва томорқа ер участкаларига экинлар экилмаган шундан 25 фоизи Самарқанд вилоятига тўғри келган.
10	ЎзР ПФ-5303 16.01.2018	Мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт ва импорти операцияларини тартибга солиш ва импорт қилинаётган озиқ-овқат товарларига божхона ва солиқлар бўйича имтиёз бериш
11	ЎзР ПҚ-3318-сон 10.10.2017	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар етиштириш бўйича ҳар томонлама кўмаклашиш ва мониторинг олиб бориш мақсадида фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ташкил этилди.
12	ЎзР ВМҚ-251-сон 29.08.2015	Соғлом овқатланишни оммавий ахборот воситалари ёрдамида аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш. Мева-сабзавот, гўшт, сут маҳсулотлари бўйича аҳоли истеъмол рационини ишлаб чиқиш ва уларни етиштиришни интенсивлаштириш

**Хуноса ва таклифлар.** Юқоридаги адабиётларни ўрганиш натижасида шундай хуносага келинади, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни диверсификациялаш барқарор ривожланиш мақсад-ларига эришишга кўмаклашиши ва ижобий таъсир қилади. Шундай бўлишига қарамасдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқа-ришини диверсификациялаш турли мамлакат ва ҳудудлар бўйлаб турлича имкониятлар, муҳитга, хусусиятларга эга эканлиги уларни амалга ошириш-да янада аниқ тадқиқотлар, барқарор ривожланиш мақсадларига таъсирини тўғри баҳолаш ва таклифлар ишлаб чиқишни талаб қиласди.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг аҳоли озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга доир хукуқий ҳужжатлар. Lex.uz саҳифалари
2. Alisher Ergashev PhD thesis “Analysis of fruit and vegetable supply, demand, diet quality and nutrition in Uzbekistan” Bonn 2017;
3. Birthal, P.S., Joshi, P. K., Roy, D., Thorat, A. (2007). Diversification in Indian agriculture towards high-value crops: The role of smallholders. Discussion Paper 00727, International food policy;
4. Conrad Murendo , Brighton Nhau , Kizito Mazvimavi , Thamsanqa Khanye and Simon Gwara. Nutrition education, farm production diversity, and commercialization on household and individual dietary diversity in Zimbabwe. Food & Nutrition Research May 2018 62: 1276 - <http://dx.doi.org/10.29219/fnr.v62.1276>;
5. Diana Feliciano. A review on the contribution of crop diversification to Sustainable Development Goal 1 “No poverty” in different world regions. Sustainable development 2019;27:795–808. DOI: 10.1002/sd.1923;
6. FAO 2015 “The State of Food and Agriculture Social protection and agriculture: breaking the cycle of rural poverty”;
7. Lin, B. B. (2011). Resilience in agriculture through crop diversification: Adaptive management for environmental change. Bioscience, 61(3), 183–193. <https://doi.org/10.1525/bio.2011.61.3.4>;
8. Maertens, M., & Swinnen, J. F. M. (2009). Trade, standards, and poverty: Evidence from Senegal. World Development, 37(1), 161–178. <https://doi.org/10.1016/j.worlddev.2008.04.006>;
9. M. Ali & Dr. Abdullah (2002) Nutritional and Economic Benefits of Enhanced Vegetable Production and Consumption, Journal of Crop Production, 6:1-2, 145-176, DOI: 10.1300/J144v06n01\_09;
10. Olivier Ecker (2018) Agricultural transformation and food and nutrition security in Ghana: Does farm production diversity (still) matter for household dietary diversity? Food Policy Food Policy 79:271–282 doi.org/10.1016/j.foodpol.2018.08.002;
11. Snapp, S. S., & Fisher, M. (2015). “Filling the maize basket” supports crop diversity and quality of household diet in Malawi. Food Security, 7,83–96. <https://doi.org/10.1007/s12571-014-0410-0>;
12. Takeshima H, Akramov K, Park A, Ilyasov J, Liu Y, Ergasheva T (2019) Agriculture-nutrition linkages, cooking time, intra household equality among women and children: Evidence from Tajikistan. IFPRI Discussion Paper 01882;
13. Takeshima H, Akramov K, Park A, Ilyasov J, Liu Y, Ergasheva T (2020) Agriculture–nutrition linkages with heterogeneous, unobserved returns and costs: Insights from Tajikistan Agricultural Economics. 2020;51:553–565. DOI: 10.1111/agec.12571;
14. Teclewold, H., Kassie, M., Shiferaw, B., & Kohlin, G. (2013). Cropping system diversification, conservation tillage and modern seed adoption in Ethiopia: Impacts on household income, agrochemical use and demand for labor. Ecological Economics, 93, 85–93;
15. World Bank (2020). <https://www.worldbank.org/en/news/press-release/2020/10/07/covid-19-to-add-as-many-as-150-million-extreme-poor-by-2021>.